

Зафар ФАХРИДДИНОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Исломишунослик ва ислом
цивилизациясини ўрганиш ICESCO
кафедраси таянч докторанти

ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙНИНГ “ТАҲСИЛ НАЗОИРИ-Л-ҚУРЪОН” АСАРИНИНГ АРАБ ОЛИМЛАРИ ТОМОНИДАН ЎРГАНИЛИШИ

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ал-Ҳаким ат-Термизий (ваф. 932 й.) ислом оламида самарали ва баракали ижод қилган олимлардан бири ҳисобланади. Зеро, у ҳадис, фикҳ, тафсир, ақида, нафс тарбияси, ислом маърифати ва ахлоқи, луғат соҳаларида ҳам бирдек муваффақиятли асарлар битган. Шунингдек, у “Будувву-ш-шаън” номли автобиографик асарида ўзининг муайян муддат фалакиёт илмлари билан ҳам шуғуллангани қайд этган¹. Бундан кўринадики, Ҳаким Термизийни ўз даврининг қомусий олими сифатида эътироф этиш мумкин. Шу билан бирга Ҳаким Термизийнинг луғат илмига, араб тили луғатшунослигига қўшган ҳиссаси ҳам катта. Араб олими Ражо Музайян Ҳаким Термизийнинг луғат илмига қўшган ҳиссасини юксак баҳолаб, эътироф этишича, сўзларнинг илмий тадқиқига ҳам катта ҳисса қўшган ва бу хусусан, “Таҳсил назоири-л-Қуръон” ва “ал-Фуруқ ва ман‘у-т-тародуф” асарларида яққол кўзга ташланади².

Ҳаким ат-Термизийнинг диний матнлар луғати, аниқроғи Қуръон луғатига тегишли асари “Таҳсил назоири-л-Қуръон” («Қуръоннинг пурмаъно сўзларини ўрганиш») деб номланади. Замонавий исломшунослик нуқтаи назаридан қаралса, Ҳаким ат-Термизийнинг «Таҳсил назоири-л-Қуръон» асари диний матнлар лексикографиясига оид асар сифатида талқин ва тадқиқ қилиниши мумкин. Қуръондаги айрим сўзларнинг шарҳига бағишланган ушбу асарда жами саксон битта (81) сўзнинг қайси ўринда қай маънода келгани батафсил ёритилган³. Ҳаким ат-Термизий шарҳлаш учун танлаб олган сўзлар «назоир» ўлароқ шарҳланган. «Назоир» ва «вужух» атамалари Қуръон ва тафсир илмининг тармоқларидан бири бўлмиш «ал-вужух ва-н-назоир» бўлимининг таркибий қисмларидир⁴. «Вужух ва назоир» илми анъанавий ислом илмларидан бири бўлиб, турли муаллифлар ва асарларда унга турлича – қисқа ёки батафсил таърифлар берилган. Хусусан, Ибн Манзурнинг машҳур «Лисону-л-араб»

¹ ат-Термизий, ал-Ҳаким. Будувву-ш-шаън. Нашрга тайёрловчи Усмон Яҳё. Байрут: 1965. – Б. 27.

² Музайян.Р.М. ал-Ҳаким ат-Термизий ва манҳажуху-л-ҳадисий фи Наводир ал-усул. Қоҳира: 1998. – Б. 35.

³ ат-Термизий, ал-Ҳаким. Таҳсил назоири-л-Қуръон. Нашрга тайёрловчи Хусний Зайдон. Қоҳира: Матбаату-с-саода, 1969. – Б. 19-158.

⁴ ас-Суютий, Жалолуддин. ал-Итқон фи улуми-л-Қуръон. Байрут: Муассасату-р-рисола. 2008. – Б. 301.

луғатида келтирилишича “назоир” “назира” сўзининг кўплиги бўлиб, у шакллар, хулқлар, ишлар ва сўзларда тенглик ва ўхшашликни англатади⁵. XIX асрга оид «Абжаду-л-улум» исломий илмлар энциклопедиясида ушбу соҳага қуйидагича таъриф берилган: «Вужух ва назоир» илми тафсир илмининг тармоқларидан бири бўлиб, бир сўз Қуръоннинг турли ўринларида бир хил товуш («лафз») ва бир хил ҳаракат билан келса-да, ундан ҳар бир ўринда бошқа маъно исталишини англатади. Бир ўринда зикр қилинган ҳар қандай сўзнинг бошқа ўриндаги ўхшашли бу «назоир»дир. Ҳар бир сўзнинг бошқа-бошқа маъноларда тафсир қилиш бу «вужух»дир. Агар «назоир» сўзларнинг исми бўлса, «вужух» маънонинг исмидир»⁶.

“Таҳсил назоири-л-Қуръон”нинг замонавий нашри Искандария баладия кутубхонасида сақланаётган ҳижрий 503/1110 милодий йилда кўчирилган 3585җ/II рақамдаги ягона қўлёзма асосида Хусний Зайдон томонидан нашрга тайёрланган ва 1969 йилда чоп эттирилган. Ҳ.Зайдоннинг келтирилишича, асар қўлёзмаси муаллифнинг бошқа асарлари билан бир жилдда бўлиб, ушбу тўпламдаги “ал-Масоилу-л-макнуна” (Яширин масалалар) ва “Китобу-р-радд ала-л-муаттила” (Муаттила фиркасига раддия) асарлари ҳам ўрин олган. Шунингдек, “Дору-л-кутуб ал-Мисрийя” кутубхонасида унинг фотокопияси ҳамда ундан кўчирилган янги қўлёзмаси ҳам бўлиб, у 61591Б рақами остида сақланади. Ҳ.Зайдоннинг гувоҳлик беришича, ушбу нусха хатоларга тўла бўлиб, бунинг сабаби нусха кўчирувчининг матнни тушунмаганига бориб тақалади. Шундай бўлсада, янги қўлёзмада асл нусхада айрим камчиликлар билан битилган Қуръон оятларининг тўғрилаб ёзилишига алоҳида эътибор қаратилган. Шунинг учун Ҳ.Зайдон асарни нашрга тайёрлашда қадимги нусханинг ўзидангина фойдаланишга қарор қилганини ёзади. Ҳ.Зайдон қўлёзма ҳақида қуйидаги

тавсифий маълумотларни ҳам бериб ўтади: “Ушбу нусха катта ҳажмдаги 32 варақдан иборат бўлиб, тўпламнинг ўртасида 48-варақдан 79-варақгача ораликни эгаллайди. Асар аниқ-тиниқ насх хатида ёзилган, аммо унда кўп хато ўзгартиришлар бор. Баъзи Қуръон оятларининг ёзилишида ҳам хатолар мавжуд. Шунга қарамай, асар сўзларнинг тушиб қолиши ва нуқсонлардан деярли холи. Котиби Ибн ал-Адийм бўлиб, 503-ҳижрий йилда битилган”. Сўнгра, Ҳ.Зайдон асарни замонавий нашрини тайёрлашдаги услуби ҳақида батафсил тушунтириш бериб ўтади. Хусусан, фойдаланиш ва тушуниш осон бўлиши учун бобларга бўлиб, зарур ўринларни рақамлаб чиққани, тушуниш қийин бўлган баъзи ўринларга изоҳ бериб, айрим шахсиятларга аниқлик киритгани, оят ва ҳадисларни аниқлаштириб, уларни ажратувчи қавсларга олиб кетганини, матн охирида эса фикристлар билан таъминлаганини айтади⁷.

Ҳ.Зайдон ўзи эътироф этганидек, у фойдаланиш учун осон ва қулай нашр тайёрлаш устида иш олиб борган. Бундан аён бўладики, унинг мақсади соф илмий нашр эмас, кўпроқ замонавий оммабоп нашр тайёрлаш бўлган. Натижада, ҳақиқатан ҳам ўқиб фойдаланиш учун қулай замонавий нашр юзага келган. Аммо, илмий истифода учун зарур бўлган асл қўлёзмадаги бетлар кўрсаткичлари киритилмаган. Оқибатда, ушбу нашрдан фойдаланмоқчи бўлган тадқиқотчига қўлёзманинг таянч хусусиятлари қоронғулигича қолади. Бунинг устига тиниш белгилари, бобларга ажратиш ва рақамлаш ишлари ҳам айрим ўринларда қўшимча ноаниқликларни юзага келтирган. Изоҳлар ва аниқлик киритишлар ҳам мунтазам эмас. Баъзан оятга таянилган ишора ва ҳадисларнинг манбаси киритилиши лозим бўлган ўринларда ровийларнинг таржимаи ҳоллари билан чекланилган ўринлар бор.

«Таҳсил назоири-л-Қуръон»нинг қисқача кириш қисмидан шу нарса маълум асарнинг ёзилиш сабаби – Ҳаким Термизийнинг қўлига “вужух ва назоир” борасида ёзилган бир китоб

⁵ Ибн ал-Манзур, Жамолуддин Муҳаммад ибн Мукаррам ал-Ифриқий ал-Мисрий. Лисон ул-араб. Байрут: Дору Содири х. 1300/1883 м. – Т.5. – Б. 215.

⁶ ал-Қанужий, Сиддиқ ибн Ҳасан. Абжаду-л-улум. Нашрга тайёрловчи А.Заккор. Дамашк: Маншурот ви-зорати-с-сакофа ва-л-иршоди-л-қавмий, 1978. – Б. 568.

⁷ ат-Термизий, ал-Ҳаким. Таҳсил назоири-л-Қуръон. Нашрга тайёрловчи Хусний Зайдон. Қоҳира: Матбаа-ту-с-саода, 1969. – Б. 15-16-17.

тушиб қолганидир. Термизий ушбу китобни диққат билан кўриб чиқиб, унинг услубига танқидий ёндошади. Биргина сўз ўзининг ўзагига мутлақо алоқаси бўлмаган маъноларни англатиши мумкинлигига эътироз билдиради. Аммо, у китобнинг номи ва мулфи ҳақида ҳеч қандай маълумот келтириб ўтмаган. Бирок, матндаги ишоралардан кўришимиз мумкинки, Ҳ.Зайдон шартли равишда ажратиб чиққан боблар айнан ўша номаълум асарга асосланган. Ҳатто баъзи ўринларда иқтибослар ҳам келтирилган, дейиш мумкин. Масалан, биринчи сўз шарҳида *“Худди, унинг “ал-Худд” ўн саккиз “важҳ” узра келган”, деган сўзидек”* жумласидан англашиладики, Ҳаким Термизий бу ўринда номаълум асар муаллифининг сўзларидан иқтибос келтирган. Кейинги боб *“ал-Куфр”* сўзига бағишланган бўлиб, у ҳам *“ал-Куфр кўйидаги важҳлар узрадир”, деган сўзига келсак*”, деб бошланади. Демак, айтиш мумкинки, «Таҳсил назоири-л-Қуръон» асари Ҳаким Термизийнинг истифодасида бўлган номаълум асарнинг танқидий шарҳи ўларок юзага келган. Аммо ушбу асар айнан кимга мансублиги тўғрисида бирор маълумот топиш мушкул. Ҳ.Зайдон ҳам айнан шу фикрни қўллаб-қувватлайди. Унинг таъкидлашича, Ҳаким ат-Термизий китоб муаллифига раддия бериб, ушбу маънолар ва санаб ўтилган *“важҳ”*лар барчаси ташқи кўринишда холос, улар ўзи тарқаган ягона ўзагига қайтади, деб изоҳлаган. Бунинг учун у асослаш керак бўлган ҳар бир ўринда Қуръони карим оятларига таянган луғавий таҳлил услубига эргашади. Шу билан бирга сўзларнинг келиб чиқиши ва ўзагига ҳам изоҳ беради. Қуръонда келган турлича маънолар битта ўзак атрофида айланишини асослаб беради. Бу мақсадда у ҳадиси шарифларда айтилган гаплар, ўтган солиҳларнинг сўзлари, ўтмиш халкларнинг хабарлари, ўқувчининг тафаккури қабул қила олган барча нарсалардан фойдаланиб, турли воситаларни ишга солган ҳолда изоҳлаб беради⁸.

“Таҳсил назоири-л-Қуръон”га асос бўлган манбани аниқлаш бўйича бирор тадқиқот иши

⁸ ат-Термизий, ал-Ҳаким. Таҳсил назоири-л-Қуръон. Нашрга тайёрловчи Хусний Зайдон. Қоҳира: Матбаату-с-саода, 1969. – Б. 14-15.

амалга оширилмаган. Айрим тадқиқотчилар бу номаълум асар “вужуҳ ва назоир” бўйича илк тўлиқ асар ёзган Муқотил ибн Сулаймоннинг “ал-Вужуҳ ва-н-назоир фи-л-Қуръони-л-азим” номли асари бўлиши мумкинлигини тахмин қилганлар. Масалан, Ҳаким Термизий меросини фундаментал тадқиқ қилган мисрлик олим Муҳаммад Иброҳим Жуюший ўзининг “ал-Ҳаким ат-Термизий – диросатун ли-осориҳи ва афкориҳи” (Ҳаким Термизий – асарлари ва фикрлари тадқиқи) номли тадқиқотида шундай фикрни келтириб ўтади. Бирок М.Жуюшийнинг маълумотларида айрим ўзига хос жиҳатлар кўзга ташланади. Жумладан, М.Жуюший Искандария баладия кутубхонасидаги Ҳаким ат-Термизий асарлари тўплами рақамини 145-деб келтиради. Шунингдек, тўпланда “Таҳсил”, “ал-Масоилу-л-макнун” ва “Китобу-р-радд ала-л-муаттила”дан ташқари “ал-Фуруқ” ҳам борлигини айтади, котибнинг исмини эса Ҳайбатуллоҳ ибн Абу Жирод, деб келтиради. М.Жуюший: “Китобнинг биринчи сатрлариданоқ ўқувчининг зеҳнига етиб борадики, айни номда бошқа китоб ҳам мавжуд бўлиб, ал-Ҳаким уни мутолаа қилган ва бу мукаддимани кўчирувчи (котиб) киритган бўлиши ҳам мумкин ёки ушбу ўринда айни ном остидаги бошқа бир китоб ҳам бўлиши мумкин. Билишимча, Муқотил ибн Сулаймон шунга ўхшаш китоб ёзган ва ал-Ҳаким уни мутолаа қилган бўлиши керак...” – деган хулосани айтади⁹. М.Жуюшийнинг хулосаларидаги ноаниқликлар яна қўйидагиларда намоён бўлади. У “Таҳсил назоири-л-Қуръон”даги шарҳланган сўзларнинг сони саксон битта (81) эмас, саксонга (80) деб кўрсатган ва улар Ҳ.Зайдон нашридан биров фарқли тартибда санаб ўтилган. Масалан, Ҳ.Зайдон нашрида мавжуд ва 28-29 сонлари билан рақамланган “ал-ийтида” ва “ал-фарз” сўзлари, шунингдек, 72 ва 75 рақамли “ас-савий” ва “ал-асбāб” сўзлари тушиб қолган; 46-рақамли “ал-аҳасс” сўзи “ал-ихсāс”, 55-рақамли “аш-шаҳид” сўзи “шāҳид” кўринишида; Ҳ.Зайдон нашрида мавжуд бўлмаган “ла йаржууна лиқā’анā” жумласи ҳам санаб ўтилган. Айрим сўзларнинг ёзилиш

⁹ ал-Жуюший, М.И. ал-Ҳаким ат-Термизий – диросатун ли-осориҳи ва афкориҳи. Қоҳира: Дору-н-наҳзати-л-арабийя, 1980. – Б. 55.

шаклида ҳам фарқлар бор. Шу билан бирга, М.Жуюший ҳам асарнинг фақат ягона нусхаси мавжудлигини айтади. Аммо, унинг рўйхатини Ҳ.Зайдон нашри билан солиштирилса, яққол фарқни кўриш мумкин. Ўз-ўзидан, гап айнан битта нусха ҳақида кетаяптими ёки бошқа-бошқами? – деган савол туғилади. Шунингдек, М.Жуюший ўз тадқиқотининг тўртинчи фаслида яна “Таҳсил” ҳақида сўз очади ва сўзларнинг рўйхатини рақамлаб келтиради ҳамда аввалги бобда айтган фикрларини бироз бошқача шаклда қайтариб ўтади¹⁰. Аммо унинг хулосасидаги чалкашлик шундан иборатки, “Таҳсил”нинг муқаддимасида Ҳаким ат-Термизий айни номда эмас, балки айни мавзудаги китобга қўз ташлагани ҳақида сўз юритган ва бу китоб кўчирувчи томонидан киритилган изоҳ бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки, ушбу маълумот анъанавий “Абу Абдуллоҳ айтди” жумласидан кейин келтирилган, яъни бу сўзлар Ҳаким ат-Термизийга тегишли экани аниқ. М.Жуюший дастлабки хулосасида Ҳаким ат-Термизий ўқиган китоб Муқотил ибн Сулаймонга тегишли бўлиши мумкин, деб тахмин қилган.

Ҳаким ат-Термизий асос қилиб олган асар айнан Муқотил ибн Сулаймонга тегишли ёки уникал жуда ўхшаш бошқа китоб бўлиши кераклигини француз олими П.Нвия ҳам таъкидлаб ўтган¹¹. Аммо бу хулосалар чуқур тадқиқий асосга эга бўлмай, юзаки шаклий ўхшашликка таянган холос. Аксинча, услуб жиҳатидан ҳам Ҳаким ат-Термизийнинг тутган йўли бутунлай бошқача бўлиб, бу услуб ушбу соҳада ёзилган асарларнинг барчасидан қатъий фарқ қилади. Муқотил ибн Сулаймон ўз асарининг ибтидосини “назоир” сифатида тафсир қилинадиган сўзнинг “важҳ”ларини санаб кетишдан бошлайди ва “важҳ” маъноси акс этган оятларни келтириб, ортиқча изоҳ ва шарҳларга ўрин ажратмайдилар. Ҳаким ат-Термизий эса энг аввал сўзнинг ўзагига шарҳ беради, кейин “важҳ”ларини санаб ўтади.

¹⁰ ал-Жуюший, М.И. ал-Ҳаким ат-Термизий – диросатун ли-осориҳи ва афкориҳи. Қоҳира: Дору-н-наҳзати-л-арабийя, 1980. – Б. 162.

¹¹ Nwyia P. Exegese coranique et langage mystique. Beyrouth: Dar el machreq editeurs, imprimerie catholique, 1970. – P. 118.

У ҳар доим ҳам “важҳ” акс этган оятларни келтирмайди, балки муайян сўзга нега айнан шу “важҳ”да маъно берилаётганини шарҳлай бошлайди ва бунинг сабабини очиқлаб, унинг ўзакка қайтишини асослаб беради. Бундай услуб ундан аввалги муаллифларда умуман учрамайди.

Юқорида келтириб ўтилганларнинг барчаси «Таҳсил назоири-л-Қуръон»га асос бўлиб хизмат қилган асар Муқотил ибн Сулаймон ёки унинг асарига жуда ўхшаш бошқа асар бўла олмаслигини кўрсатади. Ҳаким ат-Термизий эса, ўз асарини ёзишда Муқотил ибн Сулаймоннинг услубига эргашмаган. Шу сабабли “Таҳсил”нинг ёзилишига сабаб бўлган китобнинг номи ҳам, муаллифи ҳам номаълум, дейиш тўғри бўлади. Асарни тадқиқ қилган олимларнинг билдирган фикрлари ва келтирган маълумотлари юзасидан қуйидаги хулосаларни айтиш мумкин:

– «Таҳсил назоири-л-Қуръон» асари ҳозирга қадар илмий жиҳатдан тўлиқ ўрганиб чиқилмаган ва унинг том маънода илмий нашри мавжуд эмас;

– «Таҳсил назоири-л-Қуръон» асари борасида билдирилган фикрлардан энг холис ва ҳаққонийси, гарчи мухтасар бўлсада, унинг замонавий нашрини тайёрлаган Ҳ.Зайдоннинг фикрларидир;

– М.Жуюший келтирган маълумотлар, фикрлар ва хулосалар анча чалкаш бўлиб, қайта кўриб чиқишга муҳтож. У тадқиқ қилган қўлёзма нусхаси Ҳ.Зайдон асос қилиб олгандан бошқа нусха бўлса, у хатоларга тўла “янги қўлёзма” бўлиши эҳтимолдан холи эмас;

– Ҳаким ат-Термизий «Таҳсил назоири-л-Қуръон»ни ёзишда ўзидан аввалгилардан буткул фарқ қилувчи услубни қўллаган. Бу услуб тадқиқотчилар таъкидлагандек, луғавий-таҳлилий услуб бўлиб, сўзнинг ўзаги, этимологияси, қайси ўринда қай маънода қўлланиши, бошқа ўзакдош сўзлар билан боғлиқлиги ва бошқа маъноларни англатган тақдирда ҳам асл маъно ўз ўзагига қайтишини далиллар билан асослаб берган. Бу эса ушбу манбанинг луғатшунослик – яъни лексикографик хусусиятларини акс эттиради.